



Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратовнинг Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) президенти Цзоу Цзяи билан илк расмий учрашуви ташкил этилди.

Швейцариянинг Женева шаҳрида БМТ-нинг Европа иқтисодий комиссияси ташаббуси билан Чегараларни кесиб ўтишни енгиллаштиришда транспортта оид божхона масалалари бўйича Глобал форумнинг 171-сессияси бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раиси Акмалхўжа Мавлонов халқаро конвенция йиғилишида иштирок этиб, Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи директори Умберто де Претто билан икки томонлама учрашув ўтказди.

Туркия автомобиль йўллари Бош бошқармаси (Karayolları Genel Müdürlüğü – KGM) раиси Аҳмад Гўлшан бошчилигидаги делегация вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Автомобиль йўллари қўмитасида делегация аъзолари иштирокида ҳамкорлик бўйича музокаралар олиб борилди.

«Ўзатом» агентлигида мамлакатимиз ядро тиббиётини ривожлантириш истиқболларига бағишланган ишчи йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти тадқиқотчиси Олимжон Бойматов томонидан биопринтерлар учун зарур бўлган био-сиёхни маҳаллий ўсимликлар асосида олиш усули ишлаб чиқилди.

«Chess.com» платформаси орқали ўтказилган «Titled Tuesday» турнирида ҳамюртимиз Жавоҳир Синдоров муваффақиятга эришди.

Шахматнинг блиц йўналишида ташкил этилган 11 та турдан иборат ўйинлар натижасига кўра, жаҳон кубоги ғолиби Жавоҳир Синдоров 10 очко жамғариб, ғолибликни тантана қилди.

Покистонда ўтказилган IX «Жамоа руҳи» халқаро мусобақасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги разведкачилари 97,3 фоиз натижа билан ғолиб бўлди. Ҳарбийлар 90 км масофани 33 соат 34 дақиқада босиб ўтиб, «ярадор»ни ташиш бўйича ҳам мутлақ рекорд ўрнатди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли меҳнат фахрийси Каллибек Камалов шу йил 11 февраль кuni 100 ёшида вафот этди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ҳамдардлик йўллади.

Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



«Ўзгидромет» хабар берганидек, ҳафта давомида мамлакатимиз бўйлаб нам ҳаво кузатишмоқда. Шу кунгача юртимиз ҳудудининг катта қисмида вақти-вақти билан ёмғир ёғди, айрим жойларда сел кузатилди.

«Ishonch» мухбири пойтахтимиздаги ёмғирли манзараларни сурагга туширди.

Суратда: Тошкент шаҳридаги «Мовий гумбазлар» хиёбонидан лавҳа.

Эъзоза ҲАЁТ фотозъюди

2026-yil,
12-fevral,
payshanba
№20
(5240)

Очиқ мулоқот

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «Очиқ эшиклар кuni» ва сайёр қабули ўтказилди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ – УСТУВОР МАҚСАД

Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев, Федерациянинг жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш шуббаси мудири Гўзалия Ризаева, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим мудири Низомбек Юлдашев иштирок этди. Учрашувни Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши раиси ўринбосари Мурат Данияров олиб борди.

Тадбир давомида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, ёшлар сиёсати, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар, «Аёллар дафтари» доирасида бажарилаётган ишлар жамият ҳаётида муҳим ижтимоий аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, касабаси уюшмалари томонидан мазкур ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан хабардор қилиш

борасида олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Учрашувда меҳнат муносабатлари, иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя, муносиб меҳнат шароитлари, ҳуқуқий ёрдам масалаларига оид кўплаб саволлар берилди. Мутахассислар томонидан ҳар бир муурожаат эътибор билан ўрганилиб, аниқ ва асосли жавоблар қайтарилди.

Куннинг иккинчи ярмида ўтказилган тадбир мазкур учрашувнинг мантикий давоми бўлди. Очиқ мулоқот тарзидаги учрашувда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, касабаси уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамоавий шартномалар ижроси, иш берувчи ва ходим ўртасидаги ижтимоий шериклик масалалари кенг муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари бундай очиқ мулоқотлар меҳнаткашлар манфаатларини таъминлаш, тизим фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Фотима
АБДУРАЙМОВА
«ISHONCH»

«Ishonch.uz»да янги лойиҳа: «КАТТА ИШЛАР ОРТИДА»

Катта қарорлар, катта пуллар, катта сукунат ортида кимлар туршини биласизми?

Янги лойиҳа қаҳрамонлари билан танишиш учун ушбу QR кодни сканер қилинг.



Рамазон ойида ходимлар учун қандай имтиёзлар бор?

Ушбу саволга батафсил жавоб топиш учун «Ishonch.uz» сайтига ўтинг:



Боланинг ҳақи ўзига етиб бориши шарт

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га алимент тўловларини ундириш ҳақида муурожаат келиб тушди. Уни Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши назоратга олди.

Маълум бўлишича, фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судининг 2021 йил 23 августдаги буйруғига асосан, қарздордан ундирувчи фойдасига уч нафар вояга етмаган боланинг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Ижро ҳужжати 2021 йил 24 август кuni Олот тумани мажбурий ижро бюроси иш юритувига келиб тушган ва шу куннинг ўзида қонун талабларига мувофиқ иш қўзғатилган.

Қарздор алимент тўловларини белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширмагани боис давлат ижрозисининг қарори билан республикадан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган. Шунингдек, отага тегишли ер участкаси аниқланиб, унга тақиқ қўйилган.



Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2025 йил 15 май кuni **2 миллион 700 минг,** 26 июнда эса

3 миллион 741 минг сўм алимент пуллари ундирилган. Муурожаат мазмунига кўра, сўнги икки ой давомида алимент маблағлари ундирилмагани юзасидан норозилик билдирилган. Қўшимча ўрганишлардан сўнг масала қонун тартибда ижобий ҳал этилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Д.Рўзиевнинг собиқ турмуш ўртоғи давлат идораларидан бирида фаолият юритади. Шунга қарамай, у икки йил давомида фарзанди учун белгиланган алимент маблағларини тўлиқ эмас, қисман тўлаб келган. Эҳтимол, бунга ҳеч ким эътибор қаратмайди, деб ўйлагандир. Аммо қонун талаблари ва муурожаатлар натижаси қолмаслигини инобатга олмаган.

Маълум бўлишича, Д.Рўзиева собиқ турмуш ўртоғи билан беш йилдан бери бирга яшамайди. Бир нафар фарзанди бор. Алимент масаласида адолатсизликка йўлиққани боис касабаси уюшмаларининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га муурожаат қилиб, амалий ёрдам сўради.

1211 эшитади...

Қонун ўз сўзини айтди

Жамиятда айрим ҳолатлар борки, улар узоқ вақт «ёпиқ қозон»дек пинҳона сақланади. Оилавий муносабатлар ва алимент масалалари ҳам шулар жумласидан. Аммо қонун устувор бўлган жамиятда ҳеч бир муаммо эътиборсиз қолмайди.

Масала назоратга олиниб, Мажбурий ижро бюросининг Навоий вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар самараси ўларок, фуқарога қарз сифатида 4 миллион 825 минг 31 сўм миқдорда алимент пули ундириб берилди.

Ушбу воқеа хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда мавжуд механизмлар, хусусан, «Ишонч телефони»нинг аҳамияти катта бўлаётганини, энг муҳими, адолат талаб қилинган жойда қонун ўз сўзини айта олишини яна бир бор исботлади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Пахтачилик Майсара Дониева касабаси уюшмаларининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқиб, собиқ турмуш ўртоғи Ж.Нормаматовдан алимент тўловини ундиришда амалий ёрдам сўради.

Муурожаат ижобий ечим топди

Масала Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси кўмағида ўрганилди. Шу асно ўзини гўёки ишсиз кўрсатиб юрган ота аслида «ENTER MACHINERIES SERVICE» МЧЖ ХҚда расмий равишда меҳнат қилаётгани ойдинлашди. Унинг қарздорлиги ҳам оз эмас, саккиз миллион сўмдан ошиб кетибди. Шу боис алимент тўлови иш ҳақига қаратилиб, 6 миллион 411 миллион сўмдан ортиқ алимент пули ундирилди ва касабаси уюшмаларига йўланган яна бир муурожаат ижобий ечим топди.

Таҳлилларга кўра, охириги

вақтларда 1211 рақамли «Ишонч телефони»га йўланаётган шикоятларнинг асосий қисмини айнан алимент билан боғлиқ ҳолатлар ташкил этмоқда. Бундан қўлида алиментни ундириш ҳақида суд ҳужжати бор, аммо амалда алимент пуллари ололмаётган опа-сингиллар кўпчилигини англаш мумкин. Демак, соҳа масъуллари ундирув масаласига жиддий ёндашишлари зарур. Акс ҳолда, бу борадаги эътироз ва шикоятлар кўпайиб бораверади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/
ishonchofficial.uz



https://t.me/
ishonchuz_official



Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асрори, унинг бахтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак.

Оноре де Бальзак



НАФАҚАТ БИЛИМ, ТАЖРИБА МАЙДОНИ ҲАМ

Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси шунчаки назоратчи эмас. У инсон саломатлигига масъул шахс. Баъзида унинг кичик хатоси ишчи-хоним учун фожиага айланиши мумкин. Шунинг учун бу соҳа вакиллари-нинг билимини доимий равишда ошириб бориш нафақат касбий, балки ҳаётий зарурат ҳамдир.

Жорий йилнинг 3-6 февраль кунлари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтига меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари учун республика ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда қурилиш соҳаси ходимларининг хавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитларини таъминлашда касабаси уюшмаларининг фаол иштирокини кучайтириш, мутахассислар билим ва кўникмаларини янгилаш каби масалалар кун тартибига бўлди.

Тренинглари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси аппарати Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Нодира Гойибназарова олиб борди. Шунингдек, лойиҳа раҳбари сифатида Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ҳамда мураббий Сардор Салоҳиддинов ҳам машгулот-

ларда фаол иштирок этди.

Дастлабки кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва ундаги муҳим янгилликлар, меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳамда ички ҳужжатлар ўрта-сидаги ўзаро ўхшаш ва мазмунан кесишган ҳолатлар, хавфли ва зарарли меҳнат шaroитларини тартибга солувчи ҳужжатлар кўриб чиқилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори кенг муҳокама қилинди. Машгулотлар «Ролли ўйин», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳ дискуссияси» каби интерактив усулларда ташкил этилгани иштирокчилар фаоллигини янада оширди.

– Ўқувларимизнинг асосий мавзуси қурилиш объектларида хавфсизлик талабларини ўз ичига олгани билан аҳамиятли бўлди, – дейди Ўз-



бекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Султамурат Оразимбетов. – Унда қурилиш майдонларида хавф-хатарни баҳолаш, профилактика тадбирлари, хавфсизлик белгилари, асбоб-ускуналар ва машиналар билан ишлаш қоидаларини атрофлича таҳлил қилдик. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси талабларига амал қилишни сўнгги қонун ҳужжатлари бўйича кўриб чиқдик. Айниқса, қурилиш объектларида жамоатчилик назоратини ўтказганда нима-ларга эътибор қаратилиши ва саволнома тузиш бўйича тайёрлаган ло-

Семинар

йиҳаларимизни ҳимоя қилганимиз амалий жиҳатдан фойдали бўлди. Келгусида улар бизга асқатади.

Машгулотларда Саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи О.Жўраев ҳам маъруза қилди. У ишлаб чиқаришдаги махсус хавф омиллари ҳақида тўхталди. Жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчилари Сабоҳат Эшбобоева ва Ойсоат Эшмуродова иш жойида соғлиқни сақлаш, касб касалликларининг олдини олиш масалаларини ёритди.

Федерациянинг Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Дўстмурод Тўйчиев жойларда меҳнат муҳофазаси қандай ташкил этилганини аниқлаш ва уни таҳлил қилишга ёрдам берувчи Google платформасида онлайн сўровнома ўтказиш техникасини ўргатди.

– Семинар якунида билимларимиз тест синови орқали баҳоланди. Ушбу ўқув нафақат янги билимларга эга бўлиш, балки тажриба алмашиш майдонига ҳам айланди, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши меҳнат муҳофазаси бош муҳандиси Дилдора Ҳошимова. – Мазкур ўқувлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни камайтириш, энг муҳими, инсон ҳаётини асрашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»

Мирнодир МИРАКМАЛОВ

олган суратлар

Ушбу QR код орқали ўқув-семинарнинг видеолавҳасини томоша қилинг:



Ўқув

Марафон

Бухоро шаҳридаги замонавий универсал эпик спорт мажмуаси яна бир бор соғломлик, ҳаракат ва кўтаринки кайфият манзилига айланди. Бу ерда бўлиб ўтган «Саломатлик марафони»-нинг якуновчи тадбири нафақат спорт байрами, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ижтимоий ҳаракат сифатида намоён бўлди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Марафонда юзлаб спорт ихлосмандлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари фаол иштирок этишди. Уларга эсдалик совғалари ва ташаккурномалар топширилди, соғлом жамиятни барпо этиш йўлидаги ҳиссаси муносиб қадрланди.

Тадбир давомидаги концерт иштирокчиларга хуш кайфият бағишлади. Спортчиларнинг кўرғазмали чиқишлари эса жисмоний тарбия ва спорт инсон саломатлиги учун беқийс аҳамиятга эгаллигини яна бир бор яққол намоён этди.

Аҳолини жисмоний фаолликка жалб этиш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришга қаратилган бундай тадбирлар ҳудудларда изчил ташкил этилмоқда. Уларнинг келгусида янада кенг қўламда ўтказиш, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш режалаштирилган.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

ФОЙДАЛИ МАЪРУЗАЛАР

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари раисларининг малакасини ошириш ва жамоа шартномаларини тузиш бўйича ўқув-семинар ташкил этди.

Қўмита мутахассиси Камолдидин Юсупов иштирокчиларга бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари фаолиятини устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш бўйича керакли маълумотлар берди. Шунингдек, жамоа шартномасини тузиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маблағлардан самарали фойдаланиш ҳақидаги маърузалар иштирокчилар учун айна мундоғ бўлди.



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Абдор Отабоев жамоавий музокараларни ташкил қилиш, меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни интерфаол ва қи-

зиқарли машгулотлар асосида тушуни-тириб берди.

Тадбир якунида тингловчилар ўзларини қизиктирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНГАН ҲУЖЖАТ

Хоразм вилояти автомобиль йўллари бош бошқармасида конференция ўтказилди. 41 нафар делегатдан 38 нафари иштирок этган тадбирда маъмурият ва касабаси уюшмаси қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилги жамоа шартномасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда янги 2026-2028 йиллар учун тузиладиган жамоа шартномасига қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Бошқарма директори Дилшод Ниязметов ва касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Отабек Машарипов ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, тизимда меҳнат қилаётган 371 нафар ходим ҳуқуқлари 19 бўлим ва 235 банддан иборат жамоа шартномасида ифодаланган. 2025 йилда шартноманинг 234 та банди бажарилган. Аввало, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши касабаси уюшмаси назоратида бўлди. Шунингдек, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи-ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Корхоналарда соғлом ва хавфсиз

меҳнат шaroитлари яхшиланди.

Ҳисобот даврида 13 нафар ходимга пенсияга чиқиши сабабли, 6 нафар меҳнаткашга юбилей саналари муносабати билан моддий ёрдам ажратилди. Наврўз байрамида сумалак сайли ўтказилб, 20 нафар, халқаро ногиронлар кўни арафасида 24 нафар ногиронлиги бор шахсга совға-саломлар берилди. Соҳада ишлаётган 7 нафар байналмилалчи жангчи моддий ёрдам кўрсатилди.

56 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзолари касабаси уюшмалари тизимидаги санаторийларда, 28 нафар ходимнинг фарзандлари оромгоҳларда имти-

ёзли соғломлаштирилди. 37 нафар меҳнаткаш Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарларига саёхатга юборилди. Шунингдек, касабаси уюшмалари томонидан 79 нафар хизматчи моддий ёрдам, 17 нафарига рағбатлантириш пуллари берилди.

Ингилишда айрим корхоналарда иш ўринлари шаҳодатдан ўтказилмагани, мажбурий тиббий

Сарҳисоб

ВАЪДАЛАР ЭМАС, НАТИЖАЛАР МУҲИМ

Ишга янгича ёндашиб, масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият юритиш бугун замон талаби. Қуруқ сўз ва ваъдалар бериш эмас, натижа кўрсатиш, одамларга нафнинг тегиши керак. Акс ҳолда, олға бораётган қарвонда сенга ўрин йўқ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилоятида ана шу тамойил асосида фаолият қўлами кенгаймоқда.

Сарҳисоб даври саналган 2025 йил мобайнида вилоятда бўлиб ўтган сайловлар натижаларига қўра, 2870 та бошланғич ташкилотда ишлаётган касабаси уюшмаси қўмитаси раисларининг 17 фоизи янгиланди.

Воҳада янги ташкилотларни касабаси уюшмасига жалб этиш натижасида бошланғич касабаси уюшмаси аъзолари сони ўтган йили 55 742 нафарга қўпайиб, 500 минг 693 нафарга етди. 1 та ҳудудий жамоа келишуви, 33 та тармоқ жамоавий келишуви ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда 9815 та жамоа шартномалари тузилиб, уларда ишловчилар манфаати қамраб олинди. Иш берувчилар ва касабаси уюшмалари томонидан 5168 нафар ахтиёжманд, 2082 та кам таъминланган ёш оилага 4,7 млрд. сўм ижтимоий ёрдам маблағлари берилди.

Турли байрамлар муносабати билан 118 нафар меҳнат фахрийсига, 98 нафар ногиронлиги бўлган шахсга, 622 нафар кам таъминланган оила вакиллари ва «Аёллар дафтари»га киритилган 23 нафар хотин-қизга моддий ёрдамлар ажратилди. «Мурувват» уйида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар берилди. 12 нафар хизмат даврида ҳалок бўлганларнинг оилаларидан хабар олинди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Ватан тинчлиги учун жон фидо этганлар ва ҳарбийлар фарзандлари учун байрам тухфалари улашилди.

Бундан ташқари, ёшлар иштирокида юзлаб маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, «Заковат» интеллектуал ўйинлари, фан олимпиадалари ўтказилди. Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган «Жасорат мактаби» лойиҳаси доирасида 400 нафар ўғил-қизга эсдалик совғалари улашилди. Ижтимоий қўмакка муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси Севинч Чориевага «Касабаси уюшмалари стипендияси» берилди.

2129 нафар касабаси уюшмаси аъзоси ҳамда уларнинг оила аъзолари учун турли са-

наторийларга йўлланмалар ажратилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» дастури доирасида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун саёхатлар ташкил этилди.

Қадамларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоят касабаси уюшмалари ташкилотига ўтган йили 463 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти ишга тиклаш, ойлик маошларини ундириш, суд муҳокамаси даврида вакил сифатида қатнашиш, интимиқ жазоларни бекор қилиш ва бошқалардан иборат. Шундан 203 таси қаноатлантирилган, 228 тасига тушунтириш берилган, 19 таси рад қилинган, 2 таси тегишлилигига қўра бошқа органларга юборилган, қолганлари эса иш юритишда. Мурожаатлар юзасидан 16 та кўрсатма, 7 та тақдимнома ва 23 та даъво-ариза киритилган. Ноқонуний ишдан бўшатиш 30 нафар ходим, шундан 22 нафари касабаси уюшма томонидан киритилган даъво-аризаларга асосан суд қарори билан, 8 нафари меҳнат ҳуқуқ инспекторининг кўрсатмасига мувофиқ ишга тикланди.

Сарҳисоб даврида мурожаатлар бўйича ходимларнинг 741,3 миллион сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақлари ундирилиб берилди. Жамоатчилик назорати натижасида 831 нафар ходимга ўз вақтида тўланмаган 6,2 миллиард сўм маоши тўлаб берилишига эришилди.

«Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилинган 2026 йилда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида расмий секторда банд бўлганлар сонини ҳозирги 8,5 миллиондан 14 миллион нафарга етказиш, ҳудудлардаги турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиб, одамларни рози қилиш каби қўллаб-қувватловчи вазифалар қўйилган.

Албатта, касабаси уюшма вакиллари ҳам ортимизга тараққиёт ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилувчи бу ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Қобил БОБОЛОВ,

Ўзбекистон касабаси

уюшмалари Федерациясининг

Сурхондарё вилояти

кенгаши раиси ўринбосари

Конференция

қўриқлар тўлиқ ташкил этилмагани танқид қилинди.

Хоразм вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитаси ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган шартнома тузиш, уни жорий йилнинг 1 апрелигача экспертизадан ўтказиш белгиланди.

Конференцияда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухаббат ТўРАБОВЕВА

«ISHONCH»



Тўй – тўқчилик, маъмурчилик белгиси, хайр-саховат нишонаси. Бу қадим удум халқимизнинг бой маънавий қадриятлари, одамлар ҳаёти, турмуш тарзи, харид қуввати, одат, анъана ва маросимлари билан боғлиқ. Бугунги тўйлар кўп нарсадан далолат беради, тўйчилик анъанаси бугун қандай йўналишда эканини ойнадек аниқ кўрсатади. Негаки, тўй-томошасига қараб, у ёки бу мамлакатда одамлар қандай яшаётгани, у ёки бу миллатнинг реал турмуш тарзини тасаввур қилиш мумкин. Одамлар оила қуриб ишхамга ўрганишганидан бери тўй деганлари тўхтовсиз ўз-ғариб келади: бири иккинчисига ўхшамайди, униси бунисидан қолишмайди. Кўп ҳолларда адоқсиз, маъносиз, исрофли, кўз-кўзли муСОБАҚАга айланади. Шундай бўлса-да, ҳамма ғолибликка интилади, ундан ҳаловат топади.

Жамият ривожлангани, турмуш тарзи яхшилангани сари инсоннинг наинки иқтисодий, балки маънавий эҳтиёжлари ҳам ошиб боради. Бу «эҳтиёж» тўйдан тўйга куч олиб, янги-янги, ақл бовар қилмайдиган урф-одатларни келтириб чиқараётганини кўриб турибмиз. Маънавий эҳтиёж, тўй мисолида айтадиган бўлсак, у орзу-хавас, эҳсон, эл олдига дастурхон ёзиш, дуо олиш («Бир тўй қилайки, одамларнинг озги очилиб қолсин, маҳаллада дув-дув гап бўлсин...») нияти тарзида намоён бўлади. Ният яхши, аммо... Тўйларимиз турмуш тарзимизга монанд, баъзида эса ундан-да ўтиб бормоқда.

Янги тутуриқсиз русумлар қандай пайдо бўлади? Одамлар бир жойга йиғилиб, «Қани, биродарлар, зўр бир урф-одат ўйлаб топайлик ёки тўйда ижро этиладиган янги кўй, қўшиқ яратайлик» деймайди. Миллий урф-одатлар йиллар, даврлар давомида шаклланади, синов элагидан неча бор ўтади. Шундай экан, янги урф-одат яратувчи халқнинг оддий вакили сифатида айтишим керакки, зиммаларимиздаги бу ваколатга масъулият билан ёндашганимиз маъқул. Бундай қилмасак, тўйларимиз тинимсиз семириб, тарвақайлаб бораверади. Хадемай тўйхона осмониди гул билан ясалтилган ихчам дронлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, умримизнинг кўп қисми тўй ташвишлари билан ўтиши тўғрими, деган маънода мулоҳаза юритмоғимиз зарур. Бир бойвачча ўйлаб топан янги русум эртага «анъана»га айланиб, турмуш тарзи ўртача бўлган бошқа бир кишининг қўлгини яримта қилиб қўяди.

Шу ерда ўзим гувоҳ бўлган битта воқеани келтираман. Бундан анча йиллар аввал водийдаги дўстларимиздан бири набирасини турмушга узатди. Бордик. Тўй яхши ўтди. Эртасига меҳмонларни кузатиш маросими бўлди. Қишлоқ четидаги соя-салқин жойда зиёфат бўлди, ҳаммаси бироз хошуланиб қолган дўстимизни юпатдик, «Қиз болани тенги чикса узатиш керак, кайфиятингни кўтар, яхши одамларга қўда бўлибсан, илоҳим, ёшлар бахтли бўлишин», дедик. Ҳа-ха, юпатдик. Буни қарангки, шу қишлоқда шу тўйдан кейин «Ота юпатди» деган, чикими бир тўйнинг харажатида қолишмай-



диган одат пайдо бўлибди. «Ота юпатди» маросими кейин-кейин «ота қўлатди»га айланибди...

Тўй маросимлари ҳақида қаерда ва қай тарзда гап бошланмасин, кўпчилик: «Топарман-тутарманлар ошириб юборишяпти, исрофгарчиликни айтмайсизми, бировда бор, бировда йўқ, ихчамлаштирмаса бўлмайди», дейди. Бу гапга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Ҳамма оёқни кўрпага, маҳаллага, эл-юртга қараб узатиш, маъно-матрасиз «удум»ларни қисқартириш, бир кунлик обрў деб қарзга ботмаслик тарафдори. Ортиқча чиқимга ҳеч кимнинг тоқати йўқ. Бироқ, амалий ишга келганда, бутунлай бошқача манзарага дуч келамиз. «Қани, бу ишни кимдан бошлаймиз?» дейилса, бас, кўпчилик ўзини четга олади.

Шунинг ўзи бўлсагина, қанийди. Тўйларни ихчамлаштириш ҳаракатлари, баъзи ҳолларда қутилган эмас, қутилмаган натижани беради. Тахририятга келган мактублардан бирида ўқиганим: «Матбуот, телевидение тўйларимиздаги ортиқча удумларни танқид қилиб тўғри қилмоқда. Аммо қишлоқ ёшлари шаҳар тўйларида урф бўлаётган номақбул удумларни телекўрсатувда қўриб, «Шаҳармиз тўйлар мана бундай маҳобатли ўтар экан, қўда томонга қирқта тоғора юборилар экан, нима, биз бунга арзаймаймизми?» деган фикрга келаётганлари ҳам бор гап.

Ўйлаб қўришга арзирли мулоҳаза. Санъаткор аёлларимизнинг маҳоратига тасанно. Улар узун-қиска, олди-қочди сериалларда тўй мавзусини, қайноналар, тўйбоши аёллар образини қойиллатиб, ҳаётда бўлганидан кўра ўн чандон ошириб-тошириб ижро этишадди. Тахририятга келган бошқа бир мактубда шундай сатрлар бор: «Қани, айтинглар-чи, серхашам тўйларни, ўттизта-қирқта тоғорани танқид қилаётган ҳурматли санъаткорлар, ўзингизнинг тўйингиз қандай ўтмоқда? Ижтимоий тармоқларга қаранглар: ҳамма балони танқидчиларнинг ўзи бошлапти-ку! Шаҳардаги тўйларда келин-куёвнинг болалиги қандай ўтгани, қайси бoғчага боришгани, мактабда қандай ўқишгани, никоҳгача қаерларда сайр қилишгани (!) ҳақидаги мафункор фильмлар тўғрисида қанча киноя қилмайлик, бу удум аста-секин бошқа (чекка) ҳудуд-

ларга ҳам бориб етмоқда. Никоҳ оқшомидан кейин тунги сайрга чиқишнинг хунук оқибатлари ҳақидаги танқидларимиз афсуски, реклама маъносига қабул қилинаётир. Демак, биргина танқиднинг ўзи билан иш битмайди. Бошқача йўл туттиш керак. Қани, ўша йўл?

Тўйлардаги ортиқча чиранишлардан бири, шубҳасиз, никоҳ базмига номдор санъаткорларни таклиф қилиш. Машхур бўлганидан кейин, «Тўй бошлаб қўйдик» дейишингиз билан, «Хўп бўлади, акахон, раҳмат, албатта бораман» демайди. Зимдан афт-ангорингизга қарайди. Чунки тўйга боришнинг ўзига яраша талаб-қоидалари бор. Холисона айтганда, тўйда қўшиқ қуйлаш, элга хизмат қилишнинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Ҳофиз битта қўшиқ устида баъзан ойнаб изланади: қўшиқбоп матн топиш керак, шопирдан розилик олиш зарур (олмаса, жаримага тортилади), қўй басталаш, оранжировка, ёзиб олиш – буларнинг ҳаммаси яхшигина маблағ ҳисобига бўлади. Тўй эгалари дуч келган ижрочини эмас, эл-юртда эътиборли, хулқда одобли санъаткорларни таклиф этади, меҳнатини рози бўлиб қадрлайди. Бошқача фикр бўлиши мумкин эмас.

Тўйга яхши санъаткор келса, гўзал қўшиқлар ижро этса, бунга нима етсини! Меҳмонлар ёшларга бахт-саодат тилашса, санъаткорлар даврани қизитишса, нур устига нур. Лекин... Тўйга хаваскор қиз-қичилар, аскиячилар ҳам айтилган бўлса, баъзи ҳолларда уятдан адоий тамом бўласиз.

Бу ҳам майли, қутилмаганда, аниқроғи, танқиди санъаткорлардан бири бошқа тўйга ошиқиб қолса, келин-куёвнинг ота-онаси, қариндошларнинг обрўлироғи даврга таклиф қилинади. Бугини тасаввур қилиш қийин эмас: минг изтироб, хаяжон оғушида турган ота-она ўртга чиқиб, «Дилхирож»га ракс тушишлари керак. Аммо бунинг музлақо илоҳи йўқ – қўлингизни номига бўлсин кўтаришга изн беришмайди, ҳовучингизни очиб турсангиз бас, сабабки, «хурмат» юзасидан пул қистириш, аниқроғи, «бирров»га келган санъаткор учун маблағ йиғиш «операцияси» бошланади. Қистирувчилар қанча кўп бўлса, мухтарам қудаларни қанча кўп ўраб олишса, номдор санъаткорнинг нозик топириқ бўйича махсус вакили қудаларнинг

Мулоҳаза

ховучини ўз вақтида бўшатиб турса, «нобуд»гарчи-ликка йўл қўймаса, тўйнинг нуфузи шунча ошади. Бу «одат» шу қадар тез оммалашдики, эндиликда базм тўрида ўтирган келин-куёвлар ҳам рақсга тушиш учун ўртга чиққан ота-оналарига пул қистиришмоқда. Ҳали юзи очилмаган келиннинг хали дурустроқ танишиб ургурмаган қайнонаси ёки қайнотасига пул узатишини тасаввур қиласизми?

Тўй ҳақида кўп ёзилади, мен ҳам анча-мунча қороз қоралаганман, аниқроғи, «Тўйлар ҳақида ўйлар» рукни остида мақолалар ёзганман. Шу мақоаларимдан бирини аввалига «ЗАГС мудираси ЗАГСдан ўтганми?» деб номлаганим ёдимда. Бунинг боиси, кўпгина тўйларимизда келин-куёвнинг никоҳи висол оқшоми иштироқчилари кўз ўнгига, ота-оналар, дўст-қадрдонлар гувоҳлигида расмийлаштирилади. Маъқул тадбир. Уни ҳаммамиз қўллаб-қувватлаганимиз. Аммо... бир тўйда адлия вазирлиги номидан ёшлар никоҳини расман қайд этган ва уларга оила ва никоҳ масалаларида зарур маслаҳатлар берган мудирага қараб, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг машхур қаҳрамони Қаландаров каби, кўнгилмизда: «Бу нозик сингилчамиз турмушга чиққанми ўзи?», деган кичик бир иштибоҳ пайдо бўлган. Чунки, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин деганларидек, «маслаҳатлар» кўпчиликини қониқтирмади. Жуда ҳам жўн, умумий, шунчаки ёллаб олинган, ҳамма тўйларда бир хилда тақдорланадиган ҳиссиз, кўнгилда бирор тўйгу уйотмайдиган қуруқ гаплар шодаси. Шу боис, никоҳни қайд этиш маросимини маҳаллаларимизда умргузaronлик қилаётган, турмуш қўрғанига қирқ, эллик, олтмиш йил бўлган, ували-жували, ҳар жиҳатдан обрў-эътиборли, фарзандлари тарбияли, ўқимишли, касб-хунарли отахон-онахонлар иштирокида ўтказиш, уларнинг вафо ва садоқатини, турмуш синовларига бардошини ёшларга намуна, иборат қилиб кўрсатиш, шу билан бирга, улардан дуо олиш керак эмасмикин, деган таклифни ўртга ташлаганим ўшанда. Биров эътибор қилди, биров қилмади. Шу таклифни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Балким, бу гал кимнидир қизиктириб қолар...

Яна бир мулоҳаза. Бугун бутун мамлакатимиз улкан тўй мулоҳаза ўхшайди. Тўй дегани фақат никоҳ базмидан иборат эмас. Ҳовли тўйи, мучал тўйи, шукроналик тўйлари. Бу одатларимиз ҳаммаша бор бўлсин. Юртимизда янги-янги замонавий бинолар, санъат, маданият ва спорт саройлари билан бирга, мухташам тўйхоналар ҳам қурилмоқда. Тўй тадбиригизни кўраётган, тўйхона кураётган халққа дунё хавас қилса арзийди. Аммо бу хавасга ҳамма жойда ҳам дуч келиш қийин. Мамлакат ялли ички махсулотининг катта бир қисмини ҳарбий мақсадларга сарфлаётган давлатлар бор.

Мен эса яна ният қиламан: саховатпеша тadbиркорларимиз тўйхоналар билан бирга маҳалаларда, мавзеларда кутубхона – зиёхоналар ҳам қуришса, уларни илмий, бадийи, замонавий технологияга оид янги адабиётлар, қўлланмалар, компьютер жамламалари, қундалик босма нашрлар билан тўлдиришса, оила кураётган ёшларга китоб совға қилиш мамлакат миқёсида урф бўлса, қанийди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Рақобат қўмитаси ҳамда Маънавият ва маърифат маркази диққатига!



Қўл телефонимга «+99855...» кодли турли рақамлардан тез-тез кўнғироқ бўлиб туради. Унинг тугмачасини босишим бўлганок нотаниш киши турли махсулотларини, кўрсатадиган хизматлари ёки аллақандай ўқув марказидаги тил ўргатиш курсларини реклама қила бошлайди. Мен таклиф этилаётган хизматларга эҳтиёж-им йўқлигини эслатиб, алоқани узаман. Аксарияти ҳурматини билиб, қайта бевозта қилмайди. Бироқ тўрт-бешта компаниянинг сурбет вакиллари борки, иш вақтими, кечаси ё дам олиш куними – уларга фарқи йўқ. Уларни хоҳлаган пайтда қайта-қайта телефон қилиб, рекламасини тикиштира бошлашади.

Келинг, аввало, ҳар гал алоқани «Тошкент шаҳар соғломлаштириш марказиданми» деган бир хил гапни айтиб бошлайлик «Лисали»(!) компанияси оператори билан мулоқот ҳамда шу боис ўтказилган кичик суриштирув ҳақида тўхталайлик. Ушбу муассаса вакиллари қарийб бир йил мобайнида бот-бот кўнғироқ қилавериб, каминани жуда кўп бевозта қилишди. Кейин билишимча, биргина мен эмас, рақами қандайдир сабаларга кўра ўша марказнинг компьютер базасига тушган бошқа ҳамюртларимиз ҳам бундай ҳолатларга кўп мартабала дучор бўлишган экан.

Хўш, компаниянинг асл мудоаси нима? Айтишларича, мен телефон рақамим юз мингта рақам ичидан танланган омадди мижоз экман. Натижада уларнинг малакали мутахассисларидан ўндан ортик касаликлар бўйича телефон орқали бепул маслаҳат олиш ҳуқуқига ва соғломлаштирувчи махсулотлари хариди учун 50 фоизлик чегирмага эга бўлибман. Бинобарин, менда улар санаб ўтган бирор хасталик бўлса, дарҳол дардимни айтиб, имкониятдан фойдаланиб қолишим керак эмиш. «Рақамимни қаердан олдингиз?» деган саволимга эса, «Соғлиқни сақлаш вазирлигидан!» дея жавоб қилишди.

Хуллас, ҳар сафар турли рақамлар орқали бевозта қиладиган

ЮЗ МИНГ КИШИ ОРАСИДАН ТАНЛАНГАН ОДАМ

ёхуд қартабоз қайнота-қайнона ва келин-куёвлар кўпаяётгани ростми?

ган компания ўз хизматини таклиф этишдан, мен эса уларнинг рақамларини «қора рўйхат»га тиркашдан чарчамадим. Вақти-вақти билан интернетдан ушбу компания фаолиятига оид маълумотларни излаб кўрдим. Youtube тармоғида «Lisali tabiiy mahsulotlar» номли канал очилган, бор-йўғи тўрт нафар обуначига эга саҳифага икки йил аввал иккитагина видеоматериал жойлаштирилган экан. Уларда соғломлаштириш маркази операторлари учун ўтказилган консултация жараёни акс этган. Масалан, бизнес-тренерлардан бири (эҳтимол, шу ташкилотнинг раҳбаридир) даврада ўтирган олти нафар операторга мижозлар билан телефонда қандай гаплашиш лозимлигини ўргатиб, уларга таъсир ўтказиш орқали махсулотларига буюртмалар сонини ошириш усуллари бўйича тушунчалар беради. Унга кўра, мижознинг касаллиги номини, албатта, дафтарга ёзиш, беморга компания махсулотларини соғайишига ёрдам беришини ишонарли тарзда тушунтириш зарур.

Видеолавҳада одамлар билан «Чегирмангиздан фойдаланасизми?» дея бўш-баёв, илтимоснамо оҳангда эмас, балки «Сизга чегирма тушган экан. Шу боис кўнғироқ қил-япман. Саломатлигингизда қандайдир муаммолар борлиги тўғрими?» дея аниқ-тиниқ ва ишонч билан «Махсулотни жўнатаямман, манзилингизни айтинг!» дея дадил-дадил сўхбатлашиш даркорлиги ўқтирилади. Тасвирий лавҳанин теран таҳлил қилсангиз, ундан кўзланган мақсад битта – содда одамларни қармоққа олинтириш ва бир амаллаб ўз махсулотларини пуллаш эканлигини тушуниб олмасиз. Афтидан, иш жараёни билан боғлиқ ва ички сирлар акс этган ушбу видеолар «соғломлаштириш маркази» вакиллари томонидан андалашилмовчилик туфайли тармоққа жойланган ва уни ўқитириш ёддан кўтаришган.

Энди асосий мўддаога ўтайлик. Бу ва унга ўхшаш тadbиркорлик субъектлари фуқароларга тегишли телефон рақамларини эгаларининг руҳсатисиз қаердан олишяпти? Улар одамлар саломатлигини гаровга қўйиш ёвазига юритаётган тadbиркорлик фаолияти жорий қонунларимиз талабларига нечоғлиқ жавоб беради?

Очиқ манбаларга кўра, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган «Lisali» масъулияти чекланган жамияти фаолияти озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки махсулотларининг ихтисослашмаган улгуржи савдосига мўлжалланган. Шундай экан, МЧЖ операторлари одамларга кўнғироқ қилиб, турли касалликлардан даволаниш бўйича маслаҳатлар беришга ва махсулотларини реклама қилишга

қай даражада ваколатли? Рақобат қўмитаси ушбу ҳолатни, албатта, ўрганиб чиқиши шарт. Чунки орамизда муайян касалликдан шифо топиш умидида юрган ва бировларнинг ёлгон гапларига ишониб, чув тушиб қолиши мумкин бўлган кишилар ҳам кўп.

Умуман олганда, бугун турли тоифадаги тadbиркорлик субъектларининг юқоридаги каби телефон кўнғироқлари воситасида ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали йўлга қўйган рекламалари устидан жиддий назорат ўрнатиш, бу ишларни тартибга солиш вақти аллақачон келган. Чунки охириги пайтларда ижтимоий тармоқларда ушбу йўналишдаги қонунчилик талабларига хилоф, энг ёмони, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга зид рекламалар ёввойи кўзқориндек тобора кўпаймоқда.

Давволаримиз куруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтир-сак. Ижтимоий тармоқларда «Imitvive» номи остида видеолавҳалар улашадиган блогерлар жамоаси бор. Улар турли хизмат ёки махсулотлар рекламаларини ўзлари ижросидаги қиска роликларга усталик билан сингдириб юборишади. Масалан, биттасининг сюжети қуйидагича: ота, она, ўғил, келин чорпойда ўтириб ва жуфт-жуфт бўлиб, қарта ўйнашади. Ютказган жуфтлик голиб томон айтган шартни бажаради. Бир гал ўйинни бой берган қайнота-қайнона келиннинг талабига кўра, қудасининг уйига бориб «Сизларни ёмонлаган, ҳақоратлаган жойларимиз бор, уэр сўраймиз», деб эгилиб-букилиб таъзим қилишади. Кейинги сафар мағлуб бўлган келин маҳалла бўйлаб яёв юриб, «Мен бeфapacaт, қайнота-қайнонасига қарамайдиган келинман», дея кичкиради. Ортидан келаётган қуёв эса, баланд овозда тақрор-тақрор «Мен хотиннинг қўлиман, у чизган чизикдан чиқмайман», дейди. Катта кўча бошида уларни завок билан кузатаётган ота-она эса чанқовбосдида табиий меваларнинг соф таъми сақланган қолган ноёб ичимлик – «Миссо» шарбатини симириб хузури-лаишади.

Тармоқларни титқилаб кўрсам, «Қиморбозлар оиласи» лавҳаларининг бошқа сериалари ҳам бор экан. Аниқроғи, қартада ютказган ота-ўғил голиб томон – она ва келиннинг талабига биноан, «Юксалиш» номи остидаги маиший техника дўконига келиб, чегирмадан фойдаланган ҳолда турли буюмлар харид қилишар экан.

Эҳтимол, асл мақсади фақат томошабинни кўпайтириш ва пул топишдан иборат бу жамоа аъзолари ўзлари билган-билмаган ҳолда, ғирт шармандагарчиликни тарғиб қилишётганига, миллат ёшлари маънавиятини емириш-

ётганига фаросатлари етмас, аммо рекламаларга буюртма берган ишлаб чиқарувчилар ва «Юксалиш» дўқони таъсисчилари учун уят, орият, оилавий қадрият, ўзбекона маданият тушунчаларига бегонами? Оила даврасида ўтириб, қартабозлик қилиш қачондан бери оддий ҳолга айланиб қолди? Муайян бизнесни тарғиб қилиш ниятида бундай ақлга сиймайдиган, зўрма-зўраки кўринишларни саҳналаштириб, омамага ёйиш миллатга нисбатан душманлик эмасми? Бу лавҳаларни сон-саноксиз кишилар томоша қилишяпти. Масалан, инстаграмда ушбу ижрочилардан ҳар бирининг 1 миллиондан зиёд обуначилари бор ва боғли реклама ҳар бир саҳифада айланиб ётибди.

Минг афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Фейсбук тасмасида тез-тез чиқиб турадиган айрим меҳмонхоналарга чорлов мақсадида олинган лавҳаларни кузатсангиз, миллийликдан йироқ либосларда кўриниш берган қизлар сўз бораётган манзилдаги шарт-шароитларни мақташ асноси бу ерга келиш учун биргина паспорт етарли эканига, жуфтликлар «без ЗАГС» ҳам битта хонадан жой олишлари мумкинлигига ургу бермоқдалар. Маазкур тармоқдаги «Astoria», «Jontowr», «Marco Polo» каби ўнга яқин меҳмонхоналар рекламаларида шу янгилик миллий маданиятга зид, оилавий-ахлоқий қадриятларни зимдан емиришга хизмат қиладиган лавҳаларга кўзингиз тушади. Бу нима, исталган эрмак хоҳлаган аёлини қўлтиқлаб келиб, дам олиб кетиши мумкин, меҳмонхона пулини тўласа қифоя, деганими? Воажабо!..

Ёдингизда бўлса, бундан сал олдин контентларга нисбатан «маънавий экспертизаси» қўлланилиши ҳақидаги таклифлар муҳокама марказига чиққан эди. Ўшанда кўпчилик «Бу – сўз ва ижод эркинлигини чеклаш!» дея айёҳаннос солди. Бироқ улар истеган одам озгига келган гапни айтётганини, ўзига маъқул бўлган кўрсатувни ижтимоий тармоқларда намойиш қилаётганини, ҳаммасиданам ачинарлиси, миллионлаб ёшларни маънавий таназзул сари етаклаётганини ўйлаб кўришганмикан?

Бизнингча, қун тартибидидаги мавзу ҳам қонунчилик, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатидан тизимли равишда таҳлил қилиниб, кескин чоралар қўрилиши зарур. Ўйлаймизки, бу мавзу республика Маънавият ва маърифат марказининг кенгайтирилган йиғилишларида ҳам асосий масалалардан бирига айланади ва амалий ишлар бошланади. Ахир, донолар билиб айтишганидек, шаҳар бедарвоза эмас-ку!..

Нурило НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»



Олим ва олам

НАВОИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

Инсоният тарихида иқтисодиётга оид кўпгина ғоялар олға сурилган ва улар жамланиб, ҳар хил наза-рияларни ташкил этган. Шарқ ва Ғарб алломалари иқтисодий ҳодисаларни назарий жиҳатдан таҳлил этиб, иқтисодиёт соҳасида ҳам турли категория ва қонунлар борлигини асослашга уринганлар. Улар моддий ва меҳнат ресурслари ишлатилиши, савдо-сотиқ, нарх-наво, ижара, солиқ ундириш, хазина тўплаш ва пул муомаласига оид жуда кўп фикр-мулоҳазаларни баён этишган. Шулардан бири буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийдир.

Шуни айтиш лозимки, Алишер Навоийнинг илмий ҳамда адабий мероси шу қадар бой ва кўп қирралики, унда иқтисодиётга оид кўплаб қимматли ғоялар ҳам ўз ифодасини топган. Улар «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам баён этилган. Навоий бу асарида ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беришга таъриф қилган. Асарнинг биринчи қисмида табақалар ва касбларга таъриф берилса, иккинчи ва учинчи қисмларда яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида маълумот берилди. Навоийнинг эътироф эти-шича, деҳқонлар, хунармандлар ва хориж билан алоқаси бор савдогар-лар моддий неъмат етиштириш, яратиш ва мамлакат бойлигини оширишда жамиятда муҳим ўрин тутди. Навоий деҳқон ва унинг ишлаб чиқаришдаги роли тўғри-сида қуйидаги фикрларни билди-ради: «Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчи-дир». Навоий ишлаб чиқариш воси-таларининг моддий бойлик яра-тишидаги ролини қуйидагича кўрса-тади: «Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради, ишлашда ҳамдам ва ҳамка-дам, деҳқон убадани суришда худди одам. Дунё ободни худди улардан. Ҳар не қилсалар ҳаракат, халққа ҳам етар овқат ҳам баракат!».

Бу фикрлардан шуни англаб олиш лозимки, деҳқон иш кучи, қўши ва ҳўкизлари эса ишлаб чиқа-риш қуруллари, ер эса меҳнат пред-мети, ҳаммаси биргаликда ишлаб чиқариш кучларини ташкил қи-лади. Навоий ишлаб чиқаришдаги хал қилувчи омил, хал қилувчи эле-мент – бу деҳқон, яъни ишчи кучи, деган фикрни билдиради. Маъ-лумки, ишчи кучи бу инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлар йиғин-дисидир. Навоий меҳнат тақси-моти масаласига ҳам эътибор қа-ратган. Жумладан, деҳқонлар ва бошқа соҳада машғул кишилар ишлаб чиқариш жараёнида, тақси-мотда, айирбошлашда, истеъмолда бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлишларига ҳам эътибор қаратган.

Алишер Навоий феодализм дав-рида деҳқон меҳнати катта аҳамият касб этишини ва жамият деҳқон меҳнати устига қурилганини эъти-роф этади. Навоий ишлаб чиқариш муносабатларини таҳлил қилиб, деҳқон меҳнати билан ўз эҳтиёжига

зарур бўлган махсулотни керагидан кўпроқ ишлаб чиқариб, жамият ва унинг ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган қисмини ҳам моддий неъмат билан таъминлашини таъ-ҳиллади. Навоий қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши мамлакат қудра-тини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деган илгор фикрни илгари сурган. Бу фикр ўша давр, яъни феодализм гуллаб-яшнаган, унинг негизини деҳқончилик таш-кил қилган бир паллада ўта тўғри бўлибгина қолмай, балки тарихий ҳақиқат ҳамдир.

А.Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» аса-рида жамият бойишида савдо-со-тиқ, тижорат ишлари муҳим роль ўйнаши ҳақидаги иқтисодий ғояни меркантилистлардан бир аср илға-риёқ асослаб берган. «Мерканти-лизм» ибораси биринчи бўлиб Адам Смит (1723-1790) асарларида ўз ифо-дасини топди. Бу сўз итальянча бў-либ, лугавий маъносига кўра, сав-догар мазмунига эга. Узоқ йиллар давомида халқ моддий фаровонли-гининг асоси меҳнат, ер, деҳқончи-лик, чорвачилик ва хунармандчи-ликда, деб келинар эди. Аммо XV асрга қадим аҳвол кескин ўзгарди. Бу таълимотнинг келиб чиқишига бир қанча ижтимоий-иқтисодий са-баблар туртки берди.

Алишер Навоий деҳқонлар мод-дий неъматларни яратувчи асосий куч эканини, жамиятнинг ижтимо-ий-иқтисодий тақдири уларга бог-лиқлигини кўра билди: «Оламнинг ободонлиги деҳқондан, меҳнат аҳли шодон, улар шодон», «Деҳқон қандай экин экишга қарор қилса, элга ҳам озиқ-овқат, ҳам барака ет-казар».

Улуғ аллома тадбиркорлик, со-лиқ ва мулк масалаларига ҳам эъ-тибор қаратган. У мулкни тўғри та-сарруф этиш, ресурслар, иқтисо-дий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик кераклигини таъкидла-ган. Шоир ана шунда одамлар тўқ ва фаровон яшашни мумкинлиги ҳақидаги иқтисодий қарашни ил-гари сурган: «Исроф қилиш сахий-лик тус; ўринсиз совуришни ақили одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни қўйдирганин девона, ёрў жойда ҳам ёққанин ақлдан бе-гона, дейдилар».

Улуғ мутафаккир вазир ва амир сифатида солиқ назарияси ва ама-лиётдан хабардор бўлган. У со-

лиқ тўлашдан қочмасликка чақи-риб, «Зеро, бундай хатти-ҳаракат ўз шерикларига жафо қилишлик би-лан баробардир», дейди. Унинг бу фикрлари бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Бундан 526 йил аввал ёзилган «Маҳбуб ул-қулуб»да «қиймат», «истеъмол қиймати» каби икти-содий категориялар ҳам ўз ифода-сини топган. Навоий шундай дей-ди: «Чинни идишнинг қиймати уни тайёрлашдаги қийнчили-гига ярашганлиги биландир, уни асрашда ҳам қийматга аҳамият бе-рилади. Қиймати оз нарсанинг – хурматли оза».

Навоий асарида тақсимот муно-сабатлари, уларнинг адолатли таш-кил этилиши, ҳусусан, хизматга яраша тақдирлаш (ҳақ тўлаш) ма-саласи ҳақида ҳам фикр юритил-ган. Меҳнатнинг миқдори ва сифа-тига мувофиқ тақдирлаш, меҳнатга яраша ҳақ олиш «она сутидек ҳа-ло» эканлиги уқтирилади.

Навоий ишлаб чиқаришда машғул бўлмаса-да, ўз ақлий ва ижо-дий меҳнати билан жамият учун фойда келтираётган табақаларни эъозлайди. Олимлар, табиилар, шоирлар, муҳандислар ва бошқа-ларни жамият учун зарур қатлам-лар, дейди ва уларни масъуляти бўлишга чақиради.


Шоир фуқароларни хунар ўрга-нишга, доимо ҳаракатда бўлишга, тадбиркорлик, тежамкорлик хис-латларини эгаллашга ундайди. Али-шер Навоий асарларидаги иқтисо-дий тамойил ва тарбияга оид ўғит-лар, исрофгарчиликка қарши теран фикрлар ҳам қимматлидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ло-зимки, ҳазрат Навоий давлат ар-боби сифатида мамлакатнинг обо-донлаштириш ишига катта ҳисса қўшди. У кўплаб мадраса, шифо-хона, ҳаммом, кўприк ва бошқа ин-шоотларни ўз ҳисобидан қурди-рган. Буюк шоиримиз бутун онгли фаолиятини умуминсоний маъ-садга қаратган эди.

Мухтасар қилиб айтганда, Али-шер Навоийнинг иқтисодий ғоя-лари бугунги кунда муҳим аҳами-ятга эга ва бунга асослар бор.

Маҳина
ТАШМУҲАМЕДОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
Иқтисодиёт назарияси
кафедраси ассистенти

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик,
алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.
Абу Райҳон Беруний



ОҚИБАТ

циантлар бекор ўтири-шибди. Бурчакдаги битта столда ёлғиз ўтириб, та-омланаётган йигит ол-дига бордим. Офици-ант эса менга яқин келди. Мен овқат-ланаётган ҳўран-да-мижоз йигитга салом бердим-да: – Ука, ёнин-гизга ўтирсам, май-лими? – дедим. Йи-гит менга ажабланиб қаради, аммо гапир-мади. Официант бола: – Ока, манави столга ўтиринг, бўш-ку? Унга қия қараб де-дим: – Кўриб турибман, ука. Мусулмончи-ликда «ёлғиз овқат-ланма», деган ўғит-лар бор. Овқатлан-сам, ўзимнинг пулимга овқатла-наман! Ўтирган йигит энаси қотиброк, официантга: – Ўтирса, ўтиравер-син. Ҳисобни у столга ёза-сиз, – деди. Ранжидим. Бурилиб ка-федан чиқиб кетдим. Бунча торайиб кет-япмиз-а...

Бир йили иккита таниқли шоир ака-миз Тошкент вилоятининг Пискент туманига бир кишининг фотиҳа-сига борибди. Манзили яхши билмаган-лари учун йўлда адашишибди. Йўл четида кексароқ кишидан йўл сўрамоқчи бўли-шибди.

Машина ойнасини тушириб, ҳалиги кишига салом беришибди ва керакли ман-зилни сўрашибди. Бояғи одам эса буларга жавоб бермай, йўлнинг уёқ-бўёғига аланг-лаганча, булар томонга ўта бошлабди. У то етиб келгунича шошиб турган шоир-лар саволини яна бир неча марта такро-рлабди: Фалон жойга қандай борилади?

У киши бемалол, шошмай йўлдан ўтиб келибди ва машинада ўтирган шоирларга қўл узатибди. Қўш қўллаб...

– Ё, бисмилло, ё, бисмилло! Омонми-сизлар, яхшимисизлар... Гапларингизни эшитдим. У жойга кейинги бурилишдан сўнг икки километрга йўл юрилади. Ле-кин аввал бизнинг уйга кирингизлар. Бир пиёла чой ичиб кетингизлар. Менинг отим – Қозоқбой. Лекин ўзим ўзбекман. Шу ерда ашайман. Новойлик қиламан. – Йўқ, раҳмат, чойга бошқа пайт ке-ламиз, Қозоқбой ака. Биз сал шошаётган эдик... – деб изза бўлиб жўнаб кетишибди. «Мана, ўзбек! Мана, ҳақиқий одамлар. Бизни бошлади-ку, отахон» дейишиб, йўл-ларига кетишибди шоирлар.

Талаба чоғида бир ўртоғимни уйга меҳмонга олиб келдим. Қўлдан кел-ганча меҳмон қилдик. Кечқурун биздан кўра тўқроқ яшайдиган амаким бизни меҳмонга қақирди. Меҳмон йигит-нинг иззатига ош қилинди. Эртаси куни эрталаб қўшнимиз уйи-га чақирди. Зиёфат зўр бўлди у ерда ҳам. Кейин маъносини тушунгандай бўлдим. Бу олижанобликнинг тағида гап бор экан: Бу йигит кишлоғимизга биринчи марта келиши. Қўли калтароқ ҳамсоиянинг ўғ-лига эргашиб келибди. Ҳамсоиянинг ни-маси бор? Уялиб қолмасин!

Поезддаги воқеа ҳам жуда ибратли. Катта шоиримиз, устоз Эшқобил Шуккур ҳамқишлоғи бўлмиш Абду-назар исмли ёши киши билан Му-стақилликнинг илк йилларидаги бироз молиявий қийинчиликлар кўпроқ бўл-ган синовли кунлардан бирида поездга чиқибди. Поездга жойлашгач, қорин га-мида 7-вагонга – ресторан вагонга икки ҳамқишлоқ йўл олибди. Поезднинг рес-торанида нарх кўчадагидан қимматроқ. Абдуназар бобо: «Шоир, сизни бир меҳ-мон қилай...», деб растага борибди. Ва шоирнинг қаршилигига қарамай, жуда сифатли, тўйимли қолбасадан ноннинг

Эссе

ўртасига мўл-қўл солдириб бутерброд олишибди. Икки дона, чой, қаҳва деган-дай... Улар энди таомларини емоқчи бў-либ туришганларида чол таққа тўхтабди. Емакни тарелкага қайтариб қўйибди. Атрофга қарабди. Ресторан бўйича ет-ти-саккиз чоғли ҳўранда бор экан. Улар қайнатилган тухум, кефир еб-ичиб ўти-раркан. Отахон вагон-рестораннинг хиз-матчисини ёнига чорлаб, «Биздан бош-қаларга ҳам қолбасадан бутерброд тай-ёрлаб беринг. Пулини мен тўлайман», дебди. Эшқобил ака хайрон: – Нера ундай қилаяспиз, бобо? Бу ки-шилар бизга бегона-ку? – Шоир, афанди экансиз-ку, биз шун-дай яхши нарса еб ўтирсагу, булар озги-мизга қараб ўтирадимми, қандай томоғи-миздан ўтади? Аслида афанди ким, дейдиган одам йўқ. Бобонинг самимий эҳсонини йўлов-чи-йўлдошларнинг ҳаммаси бажонидил қабул қилишибди. Бобога раҳмат айти-шибди.

Вилоятларимизнинг бирига боргани-мизда биз билан Тошкентдан бор-ган ўша ерлик йигит – укамиз бизни меҳмон қилди. Уйда, туғилиб ўсган уйи-да. Кенг ҳовлининг бу бошида катта бир уй, ҳовлининг адоғида кўримсизгина пастак томли қулба. Биз машинадан ту-шиб, ҳаводор ҳовлининг олдида қўл юва-ётган маҳалимиз адоқдаги қулбага ёши саксонларга борган чол билан кампир ор-тига қарай-қарай кириб кетишди. Қўшни-микан, деб ҳам ўйладим. Уйга кириб бир-роз ўтиргач, тамаки чекиш баҳонидил ташқарига чиқдим. Мен билан мезбон йи-гит ҳам чиқди. Ундан сўрадим: – Анави пастак уйи ҳам сизларникими? – Ҳа, у ҳам бизники!

Унинг гапи тутар-тутамас ўша томонга юриб кетдим. Ортимдан мезбон йигит ҳам эрғашди. Қулбага яқинлашганида ҳамки, ранглари ўнгиб кетган эшиқдан ҳалиги отахон билан онахон чиқди. Улар жуда юпун кийинган эди. Отахоннинг се-ражин юзи ёришди. Онахон ҳам бироз хи-жил бўлгандай жилмайиб тилга кирди: – Ўғлимни хурмат қилиб Тошкентдай жойдан келган оёқларингиздан, болам... Бўзимга бир нима тикилди, гапирол-май қолдим. Чол билан кампир бизнинг олифта укамизнинг ота-онаси экан. Шундан кейин ўша йигит билан алоқани бутунлай уздим...

Азизлар, қимматли вақтингизни олиб бу гапларни сизларга айтиб ўтиришмидан мурод бор, албатта: ўзбеклик ўлмаслиги керак! Чин ўзбеклар кўп бўлиши керак! Минбарларда кўкракка муштлаб айтамиз: «Ўзбеклар зўр халқ. Йи-лига миллионга чақалоқ туғилиятли!».

Унутмангким, ҳеч қайси замонда та-раққиётнинг бош омили сон бўлмаган! Сифат бўлган! Худуди ҳам, аҳолисининг сони ҳам биздан кам бўлган мамлакатлар талайгина. Уларнинг тараққиёти, ўсиши, моддий, маънавий юксалишига ҳавасда-миз ҳозирча...

Бўлар элнинг боласи бир-бирини бо-тирим, дейди... Бу нақлнинг иккинчи сатрини ёзишга юзим бўлмади. Биз биринчи сатрдагига мос бўлишимиз керак!

Битта уйда яшасак ҳам,
Бирга қадам ташласак ҳам,
Фақат кўзлар сўйлашади –
– Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир шаҳарда яшасак ҳам,
Бир ниятга ишласак ҳам,
Кесиммаган кўчалардай
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир дунёда яшасак ҳам,
Бир хил ғамни ошасак ҳам,
Шамол қўзлар булутлардай...
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Ҳимолайдан ошолмаган
Қушлар каби қайлардамиз?
Тушлардамиз, ўйлардамиз,
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Бир Худога банда бўлсак,
Ҳали жонлар танда бўлса,
Қўрқув, умид, соғинч бору,
Сирлашмоқ йўқ, дардлашмоқ йўқ.

Шодмонқул САЛОМ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси жамоаси Федерация аппа-рати Ишлар бошқармаси ходимаси Муҳтабар Содиқовага акаси
Илёс СОЛҲОВ
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ELEKTRON REALTOR» МҶМ

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилаётган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдоларга тақлиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O'zshanoatqirishbank» АТБ балансида бўлган қуйидаги мулклар қўйилган:

- Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Хотамтой» МФЙ, Бегобод кўчаси, 401-уй манзилида жойлашган Савдо дўкони биноси;
- Жиззах вилояти, Арнасой тумани, «Бобур» МФЙ, Пор-лоқ кўчаси, 90-уй манзилида жойлашган Суратхона биноси.

Сотини шарти ва нархи билан **www.e-rieltor.uz** сайти орқали, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза берса бўлади.

Колл-маркази: +99855-517-22-20. Расмий сайт: www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Насиба Абдуллаева ижросида

«ЎРТАР»

қўшиғи

Агар ошиқлигим айтсам,
куноб жоғу жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам,
тақи ул хонумон ўртар...

Машраб газали

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2020-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.		«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.		Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93		Navbatchi muharrir: Ajlon ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosishga topshirish vaqti – 21:00 Topshirildi – 19:30 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.		Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.		Umumiy adadi 35 306 ta Shundan: 6 701 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 426 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211 1 2 3 4 5 6
--	--	---	--	--	--	--	--	--	--	---